



*Fidoyilik –
Vatanga xizmat demak!*

Zarafshon

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

zarafshonbot



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг

www.zarnews.uz
<https://www.facebook.com/zarnews.uz>
[@zarnews_uz](https://t.me/zarnews_uz)
https://twitter.com/zarnews_uz

Кун ҳикмати

Ширин

нарса

доимо

камдек

туюлаверади

2021-yil 20-iyul, seshanba, 81 (23.517)-son

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ВА ФАРОВОН ЯШАЙЛИК!

MARKAZIY VA JANUBIY OSIYO
15-16 IYUL, TOSHKENT

Тошкентга кимлар келди?

Ёки Президент Мирзиёевнинг истаги нима?

15-16 июль кунлари Тошкент катта анжуманга мезбонлик қилди. Тадбирда кимлар қатнашмади, дейсиз?! Хўш, давлат раҳбари бевосита ташаббускор бўлган конференцияни ўтказишдан мақсад нима эди? Тадбир Ўзбекистон учун қанчалик фойдали бўлди?

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ЯНГИЧА СИЁСАТ

Юқорида қайд қилинган саволларга жавоб излашдан аввал давлат раҳбарининг лавозимга келгандан буён амалга оширган ишлари ҳақида мулоҳаза юритиш ўринли.

Негаки, Президент сайловлари ва ундан кейин ҳукуматдаги ўзгаришлар даврида ички сиёсатда ҳам жиддий ислохотлар амалга оширилди. Албатта, уларнинг айримларини оддий ўқувчи – фуқаро назарида илғаш мушкулдир. Аммо ўнлаб сиёсий маҳбустларнинг қамоқдан озод қилиниши ва диндорларнинг "қора рўйхат"лари тугатилгани кўпчилик учун қутилмаган янгилик бўлгани шубҳасиз. Бу ислохот вақтинчалик эмаслигини 15 кун муқаддам Президент имзолаган "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўрисида"ги қонун амалда исботлади.

Шунингдек, Ш.Мирзиёев давлат раҳбарлигини қабул қилгач матбуотга, хусусан, сўз айтишга, фикр билдиришга катта эркинлик берилди. Яшириб нима қилдик, бунинг натижасида омма онгидеги қўрқув умид билан алмашди. Чунки, эркинлик ортидан ижтимоий тармоқ ижтимоий фикр марказига айланди, журналистлар, блогерлар ва ҳар бир онгли фуқаро ижтимоий аҳамиятга эга муаммоларни кўтариб чиқмоқда. Яъни, фуқароларимизда дадил ижтимоий фаоллик кузатилмоқда.

Яна бир ўзгариш бу шубҳасиз, ташқи сиёсатда Ўзбекистон яқин ва ўзоқдаги ҳамкорларига шартсиз дўстлик қўлини чўзгани, қўшни давлатлар билан муносабатлардаги "муз"лар эрий бошлагани бўлди. Оддий мисол, яқин қўшни давлатлар билан ўзаро парвозлар қайта тиклангани, ёпиб қўйилган йўللар, чегара назорат ўтиш нуқталари очилгани қанчалаб тақдирларга рўшнолик олиб келди, қанча яқинларга дийдор насиб қилди?!

Албатта, бу ўзгаришлар, хусусан, чегара демаркация ва делимитацияси жараёни жадаллашгани мамлакат, айниқса одамлар ҳаётида қандай ижобий ўзгаришларга сабаб бўлаётганини таърифлаш, тавсифлаш шарт эмас, бизнингча.

ХАЛҚОР ҲАМКОРЛИК НЕГА КЕРАК?

Айрим мамлакатлар бошқа бир давлат билан ҳамкорлик қилишда, дейлик, Москва, Пекин ёки Қўшма Штатларнинг "кўнглини кўтариш" истаги билан ишга киришади. Лекин Ўзбекистон учун ўзаро алоқаларни йўлга қўйишда аввало халқимиз манфаатлари ҳисобга олинаётгани аҳамиятлидир.

Узоққа бормайлик, Афғонистон ёки Покистон, бориинки қўшниларимиз – Марказий Осиё давлатлари билан яқин қўшничилик бизга нима беради? Содда қилиб айтганда, тадбиркорларимиз учун янги бозор очилиб, улар қилган савдо-айирбошлаш ортидан иқтисодийимиз ривожланиши жадаллашади.

Шу ўринда рақамларга тўхталиб ўтиш ўринли. Чунки кейинги йилларда Марказий Осиё мамлакатлари билан Ўзбекистоннинг савдо айланмаси йиллик ўртача 50 фоиздан кўпроққа ўсиб, 2020 йилда глобал пандемия шароитига қарамай бу борадаги умумий кўрсаткич 5 миллиард долларни ташкил қилган.

Аслида, Тошкент конференцияси бугун бошланган мулоқот эмас. "Мар-

казий Осиёда ўзаро муштараклик: таҳдидлар ва янги имкониятлар" мавзусидаги илк Тошкент халқаро конференцияси 2019 йилнинг февраль ойда бўлиб ўтган. Ушанда Ўзбекистон, Марказий Осиё қаршида турган энг долзарб муаммолар, минтақага таҳдид солаётган асосий хавф-хатарлар, минтақа давлатлари интеграциясига нималар тўсқинлик қилаётгани муҳокама қилинганди.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗДАН ТАКЛИФЛАР

Ўзбекистоннинг халқаро обрўси ҳамда Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни сақлашдаги роли кун сайин ошиб бормоқда. Тошкент конференциясида ҳам давлатимиз раҳбари Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган ўндан ортиқ тақлифларни илгари сурди.

Президентимиз энг аввало, Марказий ва Жанубий Осиёни боғловчи самарали ва хавфсиз транспорт-логистика инфратузилмасига эҳтиёж катталигини қайд этди.

Шунингдек, қуйидаги йўналишларда ўз тақлифларини илгари сурди:

- **Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари ўртасидаги савдо, транзит ва чегаралардан ўтиш жараёнларини рақамлаштириш;**
- **икки минтақадаги озик-овқат хавфсизлиги бўйича дастур қабул қилиш;**
- **икки минтақанинг улкан сайёҳлик салоҳиятини тўлиқ ишга солиш;**
- **“яшил” иқтисодийetni рағбатлантириш;**
- **хавфсизликка нисбатан таҳдидларга қарши курашишда кучларни бирлаштириш.**

Шавкат Мирзиёев икки қўшни минтақа ўртасида иқтисодий ҳамкорлик битимини тузиш ва ҳар йили минтақаларо форум ўтказиб боришни ҳам тақлиф этди.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбари томонидан илмий ва маданий-гуманитар алмашувларни кенгайтириш, Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатларининг олим ва тадқиқотчилари учун соддалаштирилган виза тартибини жорий этиш зарурлиги таъкидланди.

НАТИЖАЛАР ҚАНДАЙ?

Конференцияда Марказий, Жанубий ва Шарқий Осиё мамлакатлари, араб давлатлари, Туркия, АҚШ, Россия ва Евроиттифок расмийлари ҳамда қатор халқаро тузилмалар мулозимлари иштирок этди. Афғонистон президенти Ашраф Ғани, Покистон Бош вазири Имом Хон ва Еврокомиссия вице-президенти Жозеп Боррел шулар жумласидан.

Давлатимиз раҳбари конференция кунлари 14 та делегация раҳбарлари билан учрашувлар ўтказди. Шунингдек, тадбирга ташриф буюрганлар ҳам ўзаро икки томонлама учрашувлар ўтказишди.

Умуман, конференция Ўзбекистонга ҳар жиҳатдан фойдали бўлди, дейиш мумкин. Конференция доирасида Ўзбекистон, АҚШ, Афғонистон ва Покистон афғон диёридаги муаммо бўйича ўзаро маслаҳатлашувлар учун янги дипломатик платформа тузишга келишиб олди. Биргина шунинг ўзи Тошкент анжумани беиз кетмаганини англатади. Зотан, қўшнинг тинч – сен тинч.

Ёқуб МАРҚАЕВ.

Бундан 10-15 йил аввал қўшрабтлик фермерлар катта-катта лалми ер майдонларида буғдой, арпа, нўхат, кунжут ва бошқа шу каби маҳсулотлар етиштирарди. Ёғингарчилик яхши бўлган йилларда озми-кўпми даромад қилар, аммо аксарият ҳолларда қурғоқчилик сабаб фойдадан кўра кўпроқ зарар кўрарди.

Кейинги йилларда эса туман қишлоқ хўжалигида жуда катта ўзгаришлар рўй берди. Бир пайтлар сувсизликдан қакраб ётган кенг дала-лар бугун яшилликка бурканган. Бу майдонларда тоқзорлар, боғ-роғлар барпо этилди. Осмондан тушадиган ҳар бир ёмғир томчисининг қадрига етадиган қўшрабтликлар, артезиан қудуқ қазииш орқали ер остидан олинаётган сувни исроф қилмаслик учун томчилятиб сугориш тизимидан фойдаланмоқда.

Маълумотларга кўра, туманда 7877 гектар узузмор мавжуд бўлиб, шундан 4343 гектари аҳоли томорқалари ҳисобига тўғри келади. Бугунги кунда 4120 гектар майдонда етиштирилаётган тоқ ҳосилга кирган.

Туманимизда кейинги 4 йилда 6677 гектар янги тоқзор ташкил этилди, - дейди туман ҳоқими ўринбосари Мухтор Қувондиқов. - Жорий йилда 37 минг 440 тонна ҳосил олиниши кутилмоқда. Шундан 14 минг 976 тоннаси қайта ишлашга, 21 минг 154 тоннаси узузм ҳолида экспортга, 1310 тоннаси ички истеъмолга йўналтирилади.

Вилоятда бугунга қадар 219 мингга яқин аҳоли коронавирга қарши Ҳиндистонда ишлаб чиқарилган “AstraZeneca”, Хитой -Ўзбекистон махсулоти – “ZF-UZ-VAC2001” ҳамда Россиянинг «Спутник V» вакциналари билан эмланди.

Эмлаш ёрдамида касалликни енгиш мумкин



- Айни пайтда вилоятимиз бўйича 384 та эмлаш пунктида кунига 12-15 минг нафаргача фуқароларимиз эмланмоқда, - дейди вилоят санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси бош мутахассиси Шоира Халилова. - Ҳозиргача 332 мингдан зиёд фуқаро биринчи доза билан эмланган бўлса, 152 минг киши иккинчи ва қарийб 57 минг киши учинчи доза вакцинациядан ўтди. Касаллик юқишининг эпидемик жараён занжирини узиш учун аҳолининг 60-70 фоизда иммунитет мавжуд бўлиши керак. Бу вакциналарнинг самардорлиги, эмланувчи аҳоли қатламининг шакллантирилишига ҳам боғлиқ. Худудий амбулатория-поликлиника хизмати томонидан аҳолига эмланадиган кун, вақти ва жойи ҳақида хабар берилмоқда. Эмлаш ишларини махсус тайёргарликдан ўтган вакцинатор-мутахассислар амалга оширмоқда.

Республика махсус комиссиясининг қарорига кўра, 2021 йилнинг 1

Боғини суриштиринг!



2020 йилда ташкил этилган “Олтин Нихол” фермер хўжалигига ёш тадбиркор Олтин Нихолов раҳбарлик қилади. Хўжаликнинг умумий ер майдони 35 гектар бўлиб, ҳозирча 5 гектариди узумнинг “Сирлибой” нави парваришланмоқда.

- Бу узузм нави қўшни қишлоқда яшовчи Сирлибой ака томонидан яратилган ва унинг номи билан аталади, - дейди фермер. - Уни парваришлашда кўпроқ меҳнат талаб қилинади. Агротехник тадбирлари талаб даражасида бажарилса, яхши ҳосил беради - гектаридан 35 тоннагача ҳосил олиш мумкин. Бир

бош узумнинг оғирлиги 0,5 килограмдан 7 килограмгача тош босади. Хўжалигимизга қарашли жами ер майдонининг 20 гектариди фақат шу навли узузм етиштиришни режалаштирганмиз. Ҳозирда 1 гектар ерда экилган тоқлар 2 йиллик бўлди ва ҳосил кўрсата бошлади. Бу ердан ҳам узузм оляпмиз, ҳам ниҳол. Ўтган йили 10 минг дона қаламча олиб, томирлатдик. Бу йил эса яна шунча қаламча олиб, тоқзоримизни кенгайтирмоқчимиз.

Президентимизнинг шу йилнинг 7 июль кунини ўтказилган узузм етиштириш, уни саноат усулида қайта

ишлашни янада ривожлантириш ҳамда худудларда энотуризмни йўлга қўйиш чора-тадбирларига бағишланган видеоселектор йиғилишида берилган топшириқлардан келиб чиқиб, Қўшрабтда уч минг гектар майдонда экспортбоп янги узузмчилик плантациялари ташкил этилади.

Янги ташкил этиладиган тоқзорларнинг 50 гектари эски, самарасиз тоқзорларни реконструкция қилиш, 2250 гектари лалми ерларни ўзлаштириш, 700 гектари маҳаллаларни ихтисослаштириш орқали аҳоли хонадонларида яратилди.

Ташкил этиладиган узузмзорларда томчилятиб сугориш технологиялари жорий қилинади. Янги истиқболли соҳа бўлган энотуризмни ривожлантириш учун зарур инфратузилма яратилади. Соҳага илм ва инновацияни кенг жорий этиш орқали ҳосилдорликни икки баравар ошириш чоралари кўрилади.

Хонадонларда узузмчиликни ривожлантириш асосий йўналиш сифатида танлаб олиниб, маҳаллалар узузм етиштиришга ихтисослаштирилади ҳамда 1197 та хонадонда қўшимча 100 гектар томорқада янги тоқзорлар барпо этилади.

Ушбу тадбирларни амалга ошириш орқали узузм етиштириш ҳажми 2-3 баравар оширилади. Соҳага 4 миллион АҚШ доллари миқдориди инвестиция киритилади. Асосийси, 6 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Тўлқин СИДИҚОВ, Бахтиёр МУСТАНОВ (фото).

Тест синовларини ўқувчилар бошлайди

Воҳид СИРЛИБОВ, Давлат тест маркази вилоят бўлими раҳбари:

- Самарқанддаги Президент мактабига 14403 нафар ўқувчидан ариза қабул қилинган бўлиб, шундан 13329 таси тасдиқланган. Айни пайтда кириш имтиҳонларига тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Президент мактабига манتيқий-танқидий фикрлаш бўйича имтиҳонлар 26-28 июль кунлари ўтказилишни режалаштирилган. Бу жараён олдиан имтиҳон талабларига асосан 23-24 июль кунлари бош репетиция ўтказилади. Бунда ҳужжат топширган ўқувчилар имтиҳон ўтказиладиган майдон, ўзлари ўтирадиган жой билан танишади.

Имтиҳонлар ўтиши учун Са-

марқанд шаҳридаги 2-сон болалар ва ўсмирлар спорт мактаби стадионида 1080 ўрин ва “Локомотив” марказий жисмоний тарбия спорт клуби Самарқанд филиали футбол ўйингоҳида 1200 ўрин ҳозирлаб қўйилди.

Жараёни карантин талабларига мос равишда ташкил этиш мақсадида зарур чоралар кўрилган. Ўқувчиларнинг келиб-кетишида хавфсизлигини таъминлаш учун вилоят транспорт ва ички ишлар бошқармалари ҳамда шахар ва туман ҳокимликлари билан ҳамкорликда махсус автобуслар қатнови йўлга қўйилади.



Қўлдош САИДОВ, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи биринчи ўринбосари:

- Вилоят халқ таълими бошқармаси тасарруфида 60 та ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб (мактаб-интернат)лари мавжуд. Уларнинг 53 тасига 2021-2022 ўқув йили учун 2100 та қабул квотаси белгиланди. Қолган 7 та ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабларида 5-синфга ўтадиган 4-синф ўқувчилари мавжуд бўлганлиги сабабли қабул ташкил этилмади.

Қабул жараёни бу йил биринчи марта my.maktab.uz сайти орқали онлайн ташкил этилди ва жорий

йилнинг 10 июнидан 10 июлига қадар давом этди. 6631 нафар ўқувчи онлайн ҳужжат топширган. Мазкур таълим муассасаларига янги ўқув йили учун қабул имтиҳонлари 29-30 июль кунлари бўлиб ўтиши режалаштирилган. Тест синовлари Самарқанд шаҳридаги 2-сон БЎСМ стадиони, “Нурафшон” футбол ўйингоҳи ва “Локомотив” марказий жисмоний тарбия спорт клуби Самарқанд филиали футбол стадиони икки навбатда ўтказилиши белгиланган.

Дилмурод ТЎХТАЕВ.



Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 30 йиллиги олдидан

Самарқанд «туристик ХАБ»га айланади

Ўтган асрнинг 90-йилларида вилоятимизда 3942 та спорт иношооти мавжуд бўлган. Бугун эса 5654 тани ташкил этмоқда. Жорий йилнинг ўзида 401 та спорт иншооти (шундан 39 та мини футбол ва сунъий қопламали мини футбол майдончалари) бунёд этилди.

30 йилда нимага эришдик?

Хозирда вилоят бўйича Самарқанд ҳамда Тойлоқ олимпия захиралари,

4 та ихтисослаштирилган спорт мактаби, 1 та эшкак эшиш спорт мактаби, 21 та спорт мактаблари, 1 та футбол маҳорат мактаби ва 1 та "Динамо" ПФК футбол мактаби фаолият кўрсатмоқда.

30 та спорт муассасаларида спортнинг 48 тури бўйича спорт тўгарак (секция)ларида 28 минг нафар, умумий ўрта таълим мактабларида 27 спорт тури бўйича тўгаракларга 104 минг нафар ёшлар қамраб олинган.

1991 йилда вилоятда спорт билан шуғулланувчилар сони 4,5 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич жорий йилга келиб, умумий аҳоли сонининг 20 фоизини ташкил этмоқда.



Самарқанд вилоятида шахмат бўйича 8 нафар халқаро гроссмейстер (Таир Воҳидов, Жаҳонгир Воҳидов, Иброҳим Ҳамроқулов, Жўрабек Ҳамроқулов, Марат Жумаев, Алексей Барсов ҳамда марҳум Шўхрат Сафин ва Алишер Анаркулов) етишиб чиққан.

Шунингдек, 6 нафар тренер "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий" унвонига эга бўлган. Вилоятимизда фаолият олиб бораётган 1361 нафар мураббийларнинг 62 нафари олий тоифадаги мураббий ҳисобланади.

Охириги 5 йилда сарқандлик спортчилар эришган ютуқларни санайдиган бўлсак, улар республика мусобақаларида 9564 та медалга эга чиққан. Осиё чемпионатида ҳам муносиб қатнашиб, 50 та медалга сазовор бўлган бўлса, 61 та медалга жажон чемпионатида 126 та халқаро спорт мусобақаларида қўлга киритилган.

2021 йилнинг 6 ойи давомида, вилоятимиз спортчилари томонидан 1031 та медалга жамғарилди. Медалларнинг 982 таси республика, 34 таси Осиё, 15 таси жажон чемпионатида спортчиларимизга берилди.

Хозирда вилоятда спортнинг 72 тури бўйича 11 771 та тўгарак фаолияти йўлга қўйилган. Уларга бир кунда 140 минг аҳоли, айниқса, ёшлар жалб этилган.

Самарқандда энг кўп якка кураш турлари - дзюдо, кураш, муайтай, бокс спорт тури ривожланган бўлиб, хозирда Тойлоқ, Паст Дарғом, Оқдарё, Иштихон, Булунғур, Самарқанд туманлари ва Самарқанд шаҳрида доимий равишда машғулотлар олиб борилади. Самарқандлик 940 нафар спортчи спортнинг 58 тури бўйича миллий терма жамоа сафида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилиб келмоқда.

Хозирда барча шахар ва туманларда саломатлик ҳамда велойўлаклар қурилмоқда. 39 та мини футбол майдончаси, 33 та бадминтон, 291 та "Workout, 38 та стритбол майдончалари фойдаланишга топширилди.

Мустақиллик йилларида 1091 нафар спортчи олий ўқув юртига имтиёзли ўқишга қабул қилинди.

Шу йилнинг 23 июлидан 8 августига қадар Япониянинг Токио шаҳрида XXXII ёзги олимпия ва XVI паралимпия ўйинлари ўтказилади. Мазкур нуфузли мусобақада республикамыздан юз нафардан ортиқ спортчи иштирок этади.

Улар орасида олимпия ўйинларида 10 нафар вилоятимиз вакиллари спортнинг 6 тури бўйича ҳамда паралимпия ўйинларида 4 нафар паралимпиячиларамиз спортнинг 2 тури бўйича йўлланмани қўлга киритди.

Айни кўнларда боксчимиз Фанат Қажрамонов, дзюдочиларимиз Давлат Бобонов, Диёра Келдиёрова, Сардор Нуриллаев, Муҳаммадкарим Хуррамов ҳамда академик эшкак эшиш бўйича Собиржон Сафаралиев Токио шаҳрида мусобақага тайёр-

гарлик кўрмоқда. Шунингдек, Туркиянинг Анталиа шаҳрида машғулот олиб бораётган Руслан Курбонов, Роксана Худоярова энгил атлетиканинг уч хатлаб сакраш йўналишида қатнашади. Мўминжон Абдуллаев эса юнорум кураши бўйича беллашади. Ксения Александрова бадий гимнастика бўйича Россияда ўз маҳоратини оширмоқда.

Хусниддин Норбеков паренгил атлетиканинг ядро ва диск улоқтириш йўналишида ва Сабинахон Суҳанова паренгил атлетиканинг узунликка сакраш йўналишида иштирок этади. Улар хозирда Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳрида мусобақа олди тайёргарликларини олиб борапти. Парадзюдочиларимиз Парвина Самандарова ҳамда Васила Алибоева Тошкент вилоятининг Билдирсой тоғ ён бағрида тажрибали мураббийлари қўл остида машғулотларда қатнашмоқда.

Агар тарихга назар ташласак, 1996 йилда АҚШнинг Атланта шаҳрида бўлиб ўтган олимпия ўйинларида 7 нафар сарқандлик спортчи бокс, юнорум кураши, эшкак эшиш, оғир атлетика йўналишида ўз маҳоратини синовдан ўтказган. 2000 йилда Австралиянинг Сидней шаҳрида 3 нафар спортчимиз, 2004 йил Грециянинг Афина шаҳридаги мусобақада бир нафар, 2008 йил Хитойнинг Пекин шаҳрида ўтказилган беллашувда 2 нафар, 2012 йил Англиянинг Лондон шаҳридаги мусобақада 3 нафар сарқандлик спортчилар иштирок этган.

2016 йил Бразилиянинг Рио Де-Жанеро шаҳрида бўлиб ўтган нуфузли спорт байрамида парадзюдочимиз, уругтлик Ўткиржон Негматов олтин медални қўлга киритган ва паралимпия чемпиони деган номга сазовор бўлган. Шунингдек, яна бир паренгил атлетимиз Мансур Абдурашидов бронза медали билан тақдирланган.

Умид қиламиз, спортчиларимиз Токиодан ғолиб бўлиб қайтади ва Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллигига муносиб тўхфа тайёрлайди.

Шўхрат РЎЗИЕВ,
вилоят туризм ва спорт
бош бошқармаси бошлиғи
ўринбосари.

Самарқанд туризм шахри. Бу ерда туризмнинг турли тармоқларини ривожлантириш, сайёҳларни жалб қилиш имконияти бор. Дунё бозорини ўрганишимиз шунки кўрсатдики, Самарқандда зиёрат туризми йўналишини кенг тарғиб қилиш орқали кўплаб давлатлардан сайёҳларни жалб қилиш мумкин экан. Бизда бунга имконият етарли.

Тўғри, пандемияда энг кўп зарар кўрган соҳалардан бири туризм бўлди. Лекин кейинги йилларда мамлакатимизда туризмни ривожлантиришга қаратилган 60 дан зиёд норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши ички ва кириш туризмини кенг ривожлантиришга ҳамда сайёҳлар ташриф буюрадиган инфра-тузилмани янада яхшилашга катта имкониятлар яратди.

Замоनावий меҳмонхоналар сони кўпайди, хизмат кўрсатиш сифатига алоҳида эътибор берилди, оилавий меҳмон уйлари сони ошди. Пандемияда қийналиб қолган тадбиркорларга молиявий кўмак берилди.

Хорижий сайёҳлар аввалги йилларга нисбатан камайганди, лекин пандемия шароитида ҳам уларнинг оқими тўхтагани йўқ. Шу билан бирга маҳаллий сайёҳларимиз сони кўпайди. Жўмладан, 2020 йил давомида вилоятимизга 633 194 нафар сайёҳ ташриф буюрган бўлса, жорий йилнинг олти ойи давомида 1 миллион нафарга етди. Уларнинг 54 минг нафардан ортиғи хорижий сайёҳлардир.

2019 йилда вилоятимизда 296 та жойлаштириш воситаси фаолият юритган.



2021 йил 1 июль ҳолатида улар сони 412 тани ташкил этди. Эътиборлиси, бугунги кунда вилоятимизда 171 та меҳмонхона, 217 та оилавий меҳмон уйи, 136 та туристик синфга мансуб автобус, 126 та микроавтобус ва 20 та электромобилъ, 181 та туроператор ҳамда 336 та гид-таржимонлар томонидан маҳаллий ва хорижий фуқароларга сайёҳлик хизматлари кўрсатилмоқда.

Пандемия шароитида туризм соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 39 та меҳмонхона ва туроператорлик ташкилотларига ходимларини саклаб туриш, уларнинг ойлик иш ҳақларини тўлаш учун 2,1 миллиард сўм миқдоридида фозисиз мақсадли ссудалар ажратилди. Тадбиркорлик субъектларининг харажатлари, олдин олган кредитларини қоплаш учун 27 та тадбиркорлик субъектларининг 38 миллиард 911 миллион сўм миқдоридида кредитларининг фозиз харажатлари қисман субсидияланди.

Самарқанд туманидаги Кониғил қишлоғи республикада биринчилардан бўлиб "Туризм қишлоғи" сифатида ўз

фаолиятини бошлади ва сертификатни қўлга киритди. Қишлоқда биринчи босқич ишлар якунига етиб, пиёдалар йўлағи, 38 та туристик ҳамда хизмат кўрсатиш объектлари фаолиятини бошлаган. Иккинчи босқичда ҳам 100 та туристик объект ва хизмат кўрсатиш нуқталари ташкил этиш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда.

Шунингдек, 2021 йилда Самарқанд шаҳрида Боғибаланд (анжирзор) маҳалласи "туристик маҳалла"га, Пайариқ тумани Чоштепа ва Уругт туманидаги Терсак қишлоғи "туризм қишлоқ"ларига айлантрилади. Шу мақсадда июнь ойида Терсак қишлоғида 25 та оилавий меҳмон уйлари фаолияти йўлга қўйилди.

Самарқанд шаҳрида "Туризм бекатлари" лойиҳаси ҳам амалга оширилди. Бу орқали сайёҳларнинг белгиланган манзилларига қўлай, хавфсиз ҳамда юқори сифатли сервис кўрсатилган ҳолда етиб боришлари таъминланмоқда. Бекатлар орқали туристик автобуслар, микроавтобус ва энгил автомашиналарнинг аниқ белгиланган график асосида мунтазам ҳаракати йўлга қўйилди.

Бекатдаги ахборот марказида туристик дастурлар тўғрисида (нархи, вақти) тўлиқ маълумот олиш мумкин. Яъни туристик бекатдан хоҳлаган фуқаро ёки сайёҳ Самарқанд ва республиканинг бошқа ҳудудлари бўйлаб сайёҳатга чиқиши учун барча шароитлар яратилди.

Шунингдек, 2021-2022 йиллар давомида Самарқанд шаҳридаги Алишер Навоий ва Ислон Каримов кўчалари туризм кўчасига айлантирилади.

Самарқанд шаҳридаги Мирзо Улуғ-

бек, Давлатобод ва Озод Шарқ кўчалари кесишган ҳудудда "pub street" лойиҳаси ҳалол стандартига мос , 70 тага яқин меҳмонхоналар ишга туширилади.

Самарқанд вилоятининг тоғли ҳудудларида экстремал ва тоғ туризмни ривожлантириш мақсадида Уругт туманида Қоратепа-Омонқўтон тоғ туризми кластери ташкил этилади. Қоратепа сув омбори ҳудудида барча шарт-шароитларга эга, қиймати 1,0 миллион АҚШ доллари миқдоридидаги замоनावий дам олиш маскани, жойлаштириш воситалари, овқатланиш шохобчалари, спорт майдончалари бунёд этилади.

Самарқанд эшкак эшиш каналли ҳудудида 212 гектар майдонда умумий қиймати 353 миллион долларга тенг "Samarkand Touristic Centre" туристик мажмуаси ташкил этилмоқда. Лойиҳага қўра, бу ерда



икки қаватли Конгресс холл, 8 та халқаро брендлар остидаги меҳмонхоналар ва ресторанлар, савдо марказлари, амфитеатр ва бошқа муассасалар билан дам олиш ҳудуди яратилиб, Самарқанд "туристик хаб"га айланиши кутилмоқда.

Дилшод НАРЗИҚУЛОВ,
вилоят туризм ва спорт бош
бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

Қурилишида ёғоч ишлатилмаган масжид



Булунғур туманида ноёб услубда қурилган XVII асрга оид "Ғиштли ота" жоме масжиди сакланиб қолган. Мазкур масжид Булунғур туманининг Бўдана маҳалласи ҳудудида жойлашган маданий мерос объектлари рўйхатига киритилган қадимий масжид ҳисобланади. Ушбу масжид ноёб меъ-

морчилик аънаналари асосида Буюк ипак йўли ўтган ҳудудга яқин жойда бунёд этилган. Бино қадимий "Уч гўмбаз" услубида қурилиб, унинг қурилишида тўлиқ сифатли пишиқ ғишдан фойдаланилган, ёғоч ишлатилмаган.

вилоят туризм ва спорт бош
бошқармаси матбуот хизмати.

Маълумот ўрнида: бугунги кунда Президентимизнинг 2021 йил 9 февралдаги фармониға асосан 2021 йилги туризм инфратузилмасини ривожлантириш дастуриға қўра, вилоятимиздаги 18 та маданий мерос объектини реставрация қилиш ва ободонлаштириш учун 43 миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилган. Жўмладан, Самарқанд тумани Хўжа Ахрор Валий зиёратгоҳи, Самарқанд шаҳридаги Шохи Зинда мажмуаси, Бибиҳоним мажмуаси, Сароймулкхоним мақбараси, Регистон мажмуаси, Чорсу савдо-гўмбази, Амир Темур мажмуаси, Ашратхона мақбара-мажмуаси, Маҳдуми Хоразмий масжиди, Нодир Девон Беги мажмуаси , Улуғбек расадхона мажмуаси ва яна ўнга яқин объектлар реставрация қилиниб, ободонлаштирилади ҳамда турникетлар ўрнатилади.

Спорт билан шуғулланиш

саломатлик ва чўнтакка фойда

Президентимизнинг жорий йил 16 июндаги "Аҳолининг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш тизимини жорий этишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори аҳоли ўртасида спортнинг янада оммалашishiға хизмат қилмоқда.

Мазкур қарорга мувофиқ, шу йил 1 августдан бошлаб жорий этиладиган аҳолининг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш тизими етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган аҳоли-

нинг жисмоний тайёргарлигини аниқлайди. Спорт синовлари узоқ ва қисқа масофаларга югуриш, сузиш, турникда тортилиш, анжомларни улоқтириш каби 15 турдаги машқлардан иборат

бўлади. Бунда иштирокчиларга эгаллаган ўрни ва даражасига қараб спорт разрядлари ҳамда унвонлар берилади. Шунингдек, улар моддий рағбатлантириб борилади.

Спорт синовларининг махсус талабларини бажарган ғолиблар I, II, ва III даражали "Жисмоний тайёргарлик даражаси" кўкрак нишонлари билан тақдирланади. Махсус талабларни муваффақиятли бажарганлар эса бир йил

мобайнида сафарбарлик қақируви резервидидаги ҳарбий хизмат тўловининг 50 фоизини чегирма билан тўлайди ва муддатли ҳарбий хизматга биринчилар қаторида юборилади. Биринчи ўринни эгаллаган ғолибларга "Темурбеклар мактаби"га тест синовларисиз, танловдан ташқари ўқишга кириш имтиёзи берилади.

Бундан ташқари, улар шахар жамоат транспортидида бепул, шахарлараро эса 50 фозиз чегирма тўлов билан имтиёзли юришлари мумкин. Фарзандлари эса умумтаълим мактаби, МТТ, болалар оромгоҳларига навбатсиз жойлаштирилади. Давлат ташкилотлари ходимларига иш

жойидан дам олиш масканлари ва санаторийларга бепул йўлланмалар берилади.

Энг муҳими, республика миқёсида ишга ёки ўқишга қабул қилинишида жисмоний тайёргарлик талаб этиладиган имтиҳон, синов, амалий машғулотларда устунлик берилади.

Энди спорт билан шуғулланиб, саломатлигимиз учун қилаётган ҳаракатларимиз фақатгина жисмоний томондан эмас, балки ижтимоий-иқтисодий томондан ҳам фойда келтиради.

Даврон УМАРОВ,
вилоят туризм ва спорт
бош бошқармаси
бош мутахассиси.

Қандай маҳсулотлар ихтиёрий сертификатланади?

Дунёда қандай буюм ёки асбоб-ускуна бўлсин ўз меъёри, намуна, ўлчами ва миқдори бор. Улар ўз навбатида, техник жиҳатдан тартибга солишни талаб этади.

Президентимизнинг 2021 йил 2 июндаги “Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида давлат бошқаруви тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони ва “Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори тизимда янги даврни бошлаб берди.

Мазкур ҳужжатлар ижроси техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаш ва метрология соҳаларида таркибий ислохотларни янада чуқурлаштириш, халқаро андозаларга мослаштириш, мувофиқликни баҳолаш жараёнларига замонавий услубларни жорий қилишни таъминлайди.

Фармон мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини ошириш, ҳақон бозорларида рақобатбардошли-

гини таъминлашга қаратилган. Фармонга асосан, 2021 йил 1 сентябрдан айрим турдаги хавфлилик даражаси юқори бўлмаган маҳсулотларнинг мувофиқлигини баҳолаш мувофиқликни декларациялаш йўли билан амалга оширилади. Бунда мувофиқликни декларациялаш техник регламент талаблари асосида маҳсулотнинг тўлиқ синовлари ўтказилгандан сўнг, унинг ижобий натижаларига кўра тузиладиган баённомалар асосида мувофиқлик сертификати берилмаган ҳолда амалга оширилади.

Импорт қилувчиларга қўлайлик яратиш ҳамда ички бозорга сифатли ва хавфсиз маҳсулотларнинг кириб келишини таъминлаш мақсадида 2021 йил 1 ноябрдан хавфлилик даражаси юқори бўлган айрим турдаги маҳсулотлар давлат рўйхатидан ўтказгандан сўнг республика ҳудудига эркин муомалага чиқариш тартиби жорий этилади. Бунинг учун республика ҳудудига олиб кирилаётган шу турдаги маҳсулотлар божхона ҳудудига келишидан камида 15 кун олдин божхона электрон дастурига жойлаштирилиши шарт.

Хавфлилик даражаси юқори бўлмаган айрим турдаги маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасининг резиденти ҳисобланган аккредитация қилинган мувофиқликни

баҳолаш органларида мувофиқлик сертификатини бир марта расмийлаштирган ҳолда йигирма тўрт ой давомида импорт қилишга рухсат этилади. Лекин шу ўринда қайд этиш жоиз, мазкур тартиб мувофиқлик сертификатида кўрсатилган айнан бир ишлаб чиқарувчининг маҳсулот турларига нисбатан амал қилади ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини таъминлаш учун ушбу товарларни олиб кираётган тадбиркорлик субъектлари жавобгар ҳисобланади.

Шунингдек, агентликнинг вазифаси сифатида санитария-эпидемиологик ҳулосаси мажбурий тартибда олиниши лозим бўлган озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига нисбатан мувофиқлик сертификатини олиш ихтиёрий равишда амалга оширилади. Мисол учун, аввал барча турдаги ишлаб чиқарилган, импорт қилинган истеъмол моллари, озиқ-овқат маҳсулотлари мажбурий сертификатланиши лозим эди. Эндиликда хавфлилик даражаси енгил бўлган айрим турдаги маҳсулотларнинг сертификатланиши ихтиёрий ҳисобланади. Бунда, ушбу маҳсулотларни тайёрловчилар (ишлаб чиқарувчилар), етказиб берувчилар ва сотувчилар уларнинг техник регламентлар ва

стандартлар билан белгиланган мажбурий талабларга мувофиқлигини таъминлаш учун жавобгар ҳисобланади.

Сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришда юқори аниқликдаги ўлчаш воситалари роли ҳисобга олинган ҳолда метрология йўналишида харид қилиниши зарур бўлган эталонлар (юқори аниқликдаги ўлчов воситаси) ҳам эътибордан четда қолмади.

Қарорга асосан давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 2021-2023 йилларда 71 дона эталонлар харид қилинади. Оддий қилиб айтганда, деҳқон бозорлари ва савдо дўконларидаги тарозиларнинг аниқлик билан ишлаши таъминланади. Асосан Европа давлатларидан харид қилинадиган юқори аниқликдаги ўлчов воситаларининг келтирилиши билан лабораториялардаги синовларнинг сифати ортади. Бу эса рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш имконини яратиб, экспортбop товарларни ҳақон бозорига кўпроқ чиқишига замин яратади.

Бундан ташқари, йиллик инвестиция дастурларини шакллантиришда, республикада синов имкониятлари мавжуд бўлмаган йўналишлар бўйича, ўзлаштирилаётган янги маҳсулотларнинг халқаро талабларга мувофиқлигини тасдиқлашни таъминлайдиган синов лабораторияларини ташкил этишни инвестиция лойиҳалари доирасида ёки алоҳида лойиҳа сифатида амалга оширилиши белгиланади.

Зафар АШУРОВ,
Ўзбекистон миллий метрология
институтини давлат корхонаси вилоят
филиали мутахассиси.

Сунъий ёмғир бор нарсами?

Бирлашган Араб Амирлигида булутларни электр билан зарядлаб сунъий ёмғир ёғдиришмоқчи. “Бу ғоя хатарли бўлиб, қош қўяман деб кўз чиқаришга ўхшайди”, дейди олимлар.

Негаки, инсоният ёмғир ёғдираман деб бошқа қўшни ҳудудларда баттар қурғоқчиликни келтириб чиқариши мумкин. Дубайда сунъий ёмғирни синая кўришни Буюк Британия олимлари эълон қилдилар. Технология ихтирочилари ҳам улар. Эмишки, катапульт ёрдамида осмондан дронлар туширилариш ва улар булутларни электр зарядига тўйинтирариш. БААда қурғоқчиликка қарши кураш бошқа методи – булутга қумуш йоди ёки туз сепиларкан. Қарабсизки, ёмғир ўша ҳудудга челақлаб қуяра экан.

“Аммо иқлимга бундай таъсир ўтказиш фойдадан кўра кўпроқ зарар келтиради. Масалан, 1980 йил Москвада бўлган Олимпиада ўйинларида очиқ ҳавони таъминлаш учун шундай усулдан фойдаланилди. Тўғри, бу ерда қуёш чарақлаб турди. Аммо сунъий кимёвий моддалар билан тўйинтирилган булутлар барибир ёмғирга айланиб Москва атрофида қучли жала ёишига олиб келди, қишлоқ хўжалигига катта зарар етди”, деб изоҳ беради ғояга «АиФ» (2021 й., 25-сон)да РФА атмосфера физикаси институтини илмий раҳбари Игорь Мохов.

КРЕМЛНИ БОЙҚУШ ҚЎРИҚЛАЙДИ
Кремлдаги орнитологик марказда бургут, лочин, қирғий ва бошқа йиртқич қўшлар «хизмат» қилади. Уларнинг сафига қутб бойқуши ҳам қўшилди деб ёзади «АиФ» (2011 й., 25-сон).

Ҳозирча у ўқув курсини ўтапти. Бу қўшларнинг асосий вазифаси Москва кремли ҳудудини биологик ҳимоя қилиш, яъни бу атрофга тажовузкор ва ҳамма томонни ифлослантирувчи қаргаларни йўлатмаслик.

АШХОБОД ҲАЖОННИНГ ЭНГ ҚИММАТ ШАҲАРЛАРИ РЕЙТИНГИДА ЕТАҚЧИЛИК ҚИЛЯПТИ

Аниқланишича, ҳақоннинг энг қиммат шаҳарлари рейтингда Туркменистон пойтахти етақчилик қиляпти. Гап шаҳарда чет элликларнинг яшаш қиймати ҳақида борапти, дейди «АиФ».

Рейтингни ҳар йили Американинг консалтинг компанияси - Мерсег тузади. 2021 йилда рўйхатдан Гонконгни сикиб чиқариб, Ашхобод биринчи ўринга чиқди.

Экспертлар фикрича, мамлакат ҳокимияти Ашхободни обод пойтахтга айлантириб, дунёни лол қолдириш учун ҳаракат қилмоқда. Бунда туркман бозорига кириш учун интилаётган хорижий компаниялар яхшигина тўлашапти. Мамлакат катта газ захирасига эгалиги билан жозибадор. Маҳаллий қондаларга кўра, ундан катта фойда кўришни истаган хорижий сармоядорлар ҳар қанча харажат бўлса тўлашга тайёр.

Т.ШОМУРОДОВ тайёрлади.

«Илк қадам»нинг дадил одими

Бугун мактабгача таълим ташкилотларида болажонлар “Илк қадам” давлат дастури асосида таълим-тарбия олмақда. Бу дастур боланинг ички олами-ни очиб бериши, унинг қизиқишларини, интилишларини шакллантириши билан аҳамиятли.

21 йилдан буён боғчада тарбиячи бўлиб ишлайман. Яратилаётган имкониятлар, боғчаларда ташкил этилган 5 та ижод маркази, замонавий бинолар, албатта, таълим-тарбия сифатида ижобий натижа кўрсатаётгани рост. Бунда биз, тарбиячилардан ҳам изланиш, болаларнинг руҳиятини ўрганиш, ўз устимизда ишлаш талаб этилади. Боғчага келаётган ҳар бир бола нимадир ўрганиши, ўтган бир кунидан унумли фойдаланиши керак. Тарбияланувчиларнинг марказлар билан ишлаш жараёнида биз уларнинг нималарга қизиқишини, қайси

касбга мойиллиги борлигини айта оламиз.

Кўпроқ болаларни мавзу доирасида гапиртиришга, театрлаштирилган сахна кўринишларини қўйишга ҳаракат қиламан. Бола ҳам ўзи кўриб, уни гапириб берса, тарбиячидан эшитгандан кўра кўпроқ тушунчага эга бўлади. Ҳафталик мавзу бўйича хонани безашни ҳам унутмаймиз. Бу болаларга байрамона кайфият бериш билан бирга ижодий муҳитни шакллантиради.

Нарпай туманидаги 1-ДМТД тарбияланаётган 150 нафар болажон замонавий қурилган, барча шароитларга эга бинода таълим-тарбия оляпти. Уларнинг вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида боғчамизда инглиз тили, рус тили, ментал арифметика, бадий гимнастика ва карате тўғараклари фаолият юритади.

Шу билан бирга нутқ ўстириш ва саводхонлик бўйича ҳам уларга сабоқ бериб келяпмиз.

Нилуфар АСРОРОВА.



"Баркамол авлод" болалари ёзги таътилни мароқли ўтказмоқда



Самарқанд шаҳар “Баркамол авлод” болалар мактабида 3 минг нафар ўқувчи 61 та тўғарак машғулотларида қатнашмоқда.

- Мактабда болаларни тўғаракларга жалб этишнинг янгича йўли жорий қилинган, яъни унинг ясаган буюм “art” интернет магазинида сотувга қўйилади ва сотувдан тушган пул ўқувчига берилади, - дейди мактаб директори Наргиза Қобилова. - Бундан руҳланган болаларда машғулотга қизиқиш ортади, вазифаларни пухта ва сифатли бажаришга киришади.

Ёзги таътилда ҳам мактаб болалар билан гавжум. Уларга мотивация бериш мақсадида турли тадбирлар ўтказиб турилади. Яқинда мактабда “Юксалиш ойлиги” доирасида тилшуносликка бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Давра суҳбатида “Баркамол авлод” болалар мактаби ўқувчилари турли тилларда шеърлар, монолог ва диалоглар ўқиб берди.

Касаба уюшмаси ташкилотини жаҳон амалиётида иш берувчи билан муносабатларда ходимларнинг манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш мақсадида ходимларнинг мустақил ихтиёрий бирлашмаси деб тан олинган.

Биринчи касаба уюшмалари XVIII асрда Англияда, "саноат инқилоби" даврида вужудга кела бошлаган. Чунки бу даврда Англия дунёдаги энг ривожланган мамлакат эди. Касаба уюшмаси ҳаракати шу мамлакатда унинг ривожланишининг умумий асосларини намойиш этади. Улар кейинчалик АҚШ, Германия, Франция ва бошқа мамлакатларда ҳам ўз фаолиятини бошлаган.

Ўзбекистонда касаба уюшмалари хорижий мамлакатларга қараганда анча кечроқ ташкил этилган. Яъни 1925 йил 21 мартда Ўзбекистон касаба уюшмалари Кенгаши (Ўзсовпроф) ташкил этилган. Шу санада Ўзбекистон касаба уюшмаларининг 1-таъсис қурултоида 53 кишидан иборат кенгаш ва 5 кишидан иборат тағтиш комиссияси

Ходимлар ҳуқуқини ҳимоя қилувчи ташкилот

дастлаб қачон ва қаерда ташкил этилган?

сайланган. Шундан сўнг Ўзбекистон касаба уюшмалари Кенгаши давлатимиз мустақилликка эришгунча Бутуниттифоқ касаба уюшмалари Марказий Кенгаши таркибида фаолият юритиб келган.

1991 йил 26 мартда Ўзбекистон ССР касаба уюшмалари Федерацияси “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси” деб қайта номланди ва устави тасдиқланиб, Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилган.

Ўзбекистон касаба уюшмалари тўғрисидаги илк қонун 1992 йил 2 июлда қабул қилинган. У ўз даврининг талабига, қонунчилигига, қолаверса фуқароларнинг дунёқарашига, ҳуқуқий онгига жавоб берарди. Аммо ўтган давр ичиди, айниқса, сўнгги уч йилда, жамият ҳаётида жиддий ўзгаришлар,

ривожланишлар бўлди, қонунчиликда қўллаб янгиликлар ўз аксини топди, қолаверса, фуқароларнинг ҳуқуқий онги сезиларли даражада ўзгарди.

Шулардан келиб чиқиб, юқорида қайд этилган қонунни тубдан янгилаш зарур деган ғоя Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан илгари сурилди. Ғоя Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ ташаббускор депутатлари томонидан маъқулланди.

"Касаба уюшмалари тўғрисида"ги 9 та боб, 56 та моддадан иборат қонун 2019 йил 6 декабрда Президентимиз томонидан имзоланди.

Аҳмад МИРЗАЕВ,
касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси вилоят кенгаши етачки юристконсульты.

REKLAMA, E'LONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada ikki marta - chorshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tezkor, samarali va hamyonbop / MUHOJAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

ДАЪВОЛАР БЎЛСА

Самарқанд туманидаги «JAVOHIR UZ QURILISH SAVDO» масъулияти чекланган жамияти (СТПР: 305615084) ўз устав фондини камайтирмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча даъволар газетда эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Самарқанд тумани Заҳлик МФЙ, 70-уй.

Каттақўрғон туманидаги «ISLOMJON ORIFJON BOG'LARI» масъулияти чекланган жамияти (СТПР: 307564234) ўз устав фондини камайтирмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча даъволар газетда эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Каттақўрғон тумани Ойжон МФЙ, Ойжон қишлоғи.

Самарқанд шаҳридаги «RUSSKIE PELMENI» хусусий корхонаси (СТПР: 305078001) ўз ташкилий-ҳуқуқий шаклини «RUSSKIE PELMENI» оилавий корхонасига ўзгартиради. «RUSSKIE PELMENI» оилавий корхонаси «RUSSKIE PELMENI» хусусий корхонасининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча даъволар газетда эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Самарқанд шаҳри Малокоқанд кўчаси, 26-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Исакулова Нигора Турдикуловна нотариал идорасида марҳум Рахимов Каримга (2002 йил 8 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда.

Шу муносабат билан меросхўрларнинг Исакулова Нигора Турдикуловна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абу Райҳон Беруний кўчаси, 12-уй.

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Азизов Джаҳонгир Илҳомович нотариал идорасида марҳум Султонова Робияга (2020 йил 22 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Азизов Джаҳонгир Илҳомович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Жомбой тумани А.Қурбонов маҳалласи, Сарой кўчаси.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Оқдарё туманидаги 26-умумий ўрта таълим мактабидан 2005 йилда Мажитов Шарифхон

Фармонович номига берилган У № 1657996 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Паст Дарғом туманидаги 13-умумий ўрта таълим мактабидан 2008 йилда Ражабов Суҳроб Боҳодирович номига берилган У № 3120520 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Паст Дарғом туманидаги 13-умумий ўрта таълим мактабидан 2010 йилда Ражабов Шоҳзод Баҳодирович номига берилган У № 4875524 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд иқтисодиёт коллежидан 2017 йилда Абдуллаев Мунис Сабирович номига берилган рўйхат рақами 309, К № 4715465 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги

Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгаши ҳузуридаги жамоат фонди

“Жамиятда инсон ҳуқуқлари ва мулоқот маданиятини юксалтиришда ННТлар фаоллигини ошириш” мавзусида Давлат грантлари ажратиш учун 2-тур танловни ЭЪЛОН қилади

Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қуйида- ги мақсадларни назарда тутувчи ижтимоий аҳамиятга молик лойи- ҳалари қабул қилинади:

- инсон ҳуқуқ ва эркинликлари- га амал қилиш ҳар бир шахснинг қадр-қимматини эъзозлаш, ҳуқуқ ва манфатларини таъминлаш;
- аҳолининг маънавий-ахлоқий билимларини ошириш, оилада

- ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш;
- хотин-қизларнинг муаммолари- ни ўз вақтида аниқлаш, ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қиз- ларга, шу жумладан, ногирон- лиги бўлган аёлларга ижтимо- ий-ҳуқуқий, психологик ёрдам кўрсатиш;
- жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг самарали ва замонавий механизмларини жорий

- этиш ҳамда оммалаштириш;
- низоли вазиятлар, оила- вий-маиший зўрлик ишлатиш ҳолатларини ва ўз жонига қасд қилишга мойил ҳулқ-атворни эрта бартараф этишда давлат орган- лари билан ўзаро ҳамкорлиқни шакллантириш.
- инсон ҳуқуқ ва эркинликла- рига амал қилинишини, ҳар бир шахснинг қадр-қимматини эъзоз- лаш ҳақидаги тафсилотлари ОАВ ва ижтимоий тармоқларда ёритиш.

Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгаши ҳузуридаги жамоат фонди “Туризм ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, маҳалла ва оилаларда соғлом турмуш тарзини ва аҳоли соғлигини мустаҳкамлашда жамоатчилиқни кенг жалб қилиш” мавзусида Давлат грантлари ажратиш учун 3-тур танловни ЭЪЛОН қилади

Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қуйидаги мақсадларни на- зарда тутувчи ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалари қабул қилинади:

- аҳоли ўртасида соғлом овқатланиш маданияти- ни, санитария-гигиена қоидаларига риоя этилишини маҳаллалар, таълим-тарбия муассасаларида кенг тарғиб қилиш;
- маҳаллалар ҳудудларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, санитария-экологик муҳитни яхшилашнинг аниқ чораларини амалга ошириш;
- туризм маҳалласи ҳамда қишлоқларида миллий ҳунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш-

Давлат гранти ажратиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Ташкилот раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган қузатув хати;
2. Вилоят Кенгаши ҳузуридаги жамоат фондининг https://t.me/samarqand_jamoaot_fondi телеграмм канали- да жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза;
3. Охирги ўзгартиш ва қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтган Нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг Устави (Низоми) нусхаси;
4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;
5. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси;
6. Манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсия ҳамда қўллаб-қувватлаш хатлари.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори – 30 млн. сўмгача.

Ҳужжатлар 2021 йил 5 июлдан 15 августгача ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 9-00 дан 18-00 гача қабул қилинади.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда (А4 формат): 140107, Самарқанд шахри Спитамен шоҳ кўчаси 159-“А” уй манзилига Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва дўстлик уйи биноси (110-хона), “Халқ де- путатлари Самарқанд вилоят Кенгаши ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти- нинг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондида” деб кўрсатилган тартибда юборилиши шарт.

Маълумот учун телефонлар: (55) 701-35-95, (93) 353-18-00.

Дўмбира садолари Қоратоғни қучганда...

Гўзал ва салобатли тоғлар қўйнидаги қадимий ва навқирон Тим қишлоғини баланд тоғ тепасидан туриб кузат- ганмисиз? Айниқса, сулув баҳор ва қорли қиш фасллари- даги гўзал манзаралари беихтиёр сизни мафтун этади. Мафтункор қишлоққа атоқли халқ бахшиси Ислон шоир Назар ўғлининг ҳам назари тушган. У тимликларнинг меҳмони бўлиб, дўмбира жўрлигида достон ва термалар айтиб, улар қалбига завқу шавқ бағишлаган. Баъзан қишлоқ аҳли халқ бахшисининг ижод намуналарига бе- рилиб кетиб, тунни тонгга улаган...

Ана шундай сирли ва сеҳрли учрашувларнинг бирида ўн олти яшар Мамай ўзи ясаган дўмбираси- ни кўтариб, Ислон шоирга пешвоз чиқиб, унга шоғирд тушушини ай- тади. Ислон ота йигитчани Оқтошга таклиф этади. Шу тариқа ёш Мамай вақти-вақти билан шоир хонадонида бўлиб, унга уй юмшларида ёрдам бериш билан бир қаторда, унинг шоғирдлари – Саъдулла бахши Ҳушвақтов, Омон шоир Қосимов, Қилич бахши Шукуровлар билан тўй-маросимларда қатнашиб, бахши- чилик санъати сирларини ўрганади...

Орадан йиллар ўтиб, сервискор тоғлар бағридаги Тимда Ислон шоир Назар ўғлининг садақотли шоғир- ди Мамай шоир дўмбирига кўтариб, даврага чиқди, эл олқишига сазовор бўлди. Ўзбек халқ оғзаки ижодининг бебаҳо дурдоналаридан парчалар, ўзи ижод қилган қўллаб термалари- ни айтиб, халқ олқишини олди.

Ўша пайтдаги “Қарнаб” хўжалиги хонадонларидаги тўй-маъракалар- нинг кўпчилигига Мамай бахшини таклиф қилишарди. Даврабошилар аксарият ҳолларда “Ислон шоирнинг шоғирди” дея эътироф этишар- ди уни. Ана шундай пайтларда у дўмбирасини қўлига оларкан, янада гурурланиб, жўшиб кетарди.

Мамай бахшнинг укаси Элибой Жумабоев билан ҳарбий хизматда бирга бўлганмиз. Эллик йилдан буён дўстмиз. Шу туфайли Мамай бахши билан ҳам қадрдон бўлиб қолгандик. Меҳмон бўлиб борганимда албатта, Мамай бахши билан учрашиб, суҳ- батлашардик.

Тимликлар жуда меҳмондўст. Мамай бахши уйига таклиф этарди, бир пиёла чай устида гурунг қизиб кетарди. Шунда у қўлига дўмбираси- ни олиб, “Алпомиш”дан ёки “Орзи- гул”дан бошлаб юборарди. Дўмбира қўлдан қўлга ўтарди. Акаси Пар-



дабой ва укаси Жўлибой, ўқитувчи Ҳикмат бахши Мусурмоновлар ҳам достон ва термалар айтишда Мамай бахшидан қолишмасликка ҳаракат қилишарди.

Мамай бахши умрининг сўнгги йилларида баракали ижод қилди. Унинг “Нурбулоқ навалари” деб номланган китоби босилиб чиқди. Китобдан ўрин олган “Бу Ватан”, “Дўмбирам”, “Ўзбегим”, “Қишлоғим”, “Қампириим”, “Мустақиллик муборак”, “Нон уюғи”, “Самарқанд” сингари термалари, “Ойсулув” дostonи замон нафасига йўғрилганлиги билан диққатга сазовордир. Мамай бахши бир қатор бахшиларга устозлик ҳам қилган. Ҳикмат бахши Мусурмонов, Хуррам бахши Эшмуродов, Дониёр бахши Эшмуродовлар шулар жумла- сидандир. Шунингдек, у бахши-шо- ирларнинг кўрик-танловларида иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритган. Мамай бахши умр йўлдоши Махфират ая билан эллик

Ҳар қандай улуғвор мақсадларга тўғри ва аниқ белгилаб олинган режа ва уни оғишмай изчил амалга ошириш натижасида эришилади. Режа ва қонунларга ўзгартиришлар киритиш фавқулодда вазиятлардагина содир бўлиши мумкин, холос.

Барқарорлик ва изчиллик – муваффақиятлар гарови

Ёки ўз шаънини ҳимоя қилиш улуғлик аломатидир

Кўпинча бундай барқарорликнинг бўл- маслиги шнинг белига тепади. Қайта-қай- та киритилаётган таҳрир ва ўзгаришлар ишонччи сусайтиради. Шу ўринда, узоқ йиллардан буён ўлда-жўлда бўлиб, ҳамон турфа ўзгаришларга дуч келаётган, кўзлан- ган мақсадга етиб келолмаётган давлат тили ҳақидаги қонун тўғрисида батафсилроқ тўхталмоқчиман.

Аввало, ёзувимиз шакли ҳақида. Асрлар оша дунёни лол этиб келган аллома бобо- ларимиз ижод қилган араб ёзувини мутлақо оғрикисиз, осонликча рад этдик... Уни сақлаб қолиш зарурати тўғрисида қайғурган, курашган ватандош аждодларимиз ҳақида маълумот ҳам берилмади. Башарти бунинг сабаби совет иттифоқи таркибига кириш бўлган бўлса, иттифоққа кирган биздан бошқа давлатлар ҳам бор эди-ку! Нима учун уларнинг ҳаммаси ҳам ўз ёзувини ўзгарти- ribs олмади?

Айнан шу ҳақда 1974 йил Тошкентда олий ўқув юртлари ижтимоий фанлар ўқи- тувчиларининг малакасини ошириш бутун- иттифоқ институтида ўқиб юрган пайтимда ушбу институт директори, ЎзКомпартия Марказий комитетининг собиқ секретари академик Ҳабиб Турсуновга семинар машғу- лотида савол бердим.

– Домла, Арманистон, Грузия респуб- ликалари кирилл ёзувини қабул қилмай, ўз ёзувини ўзгартмай, ривожланмасдан қоқоқлашиб қолди-у, бизлар қабул қилиб, уларга нисбатан анча ривожланиб кетдик- ми...?

Афтидан, бундай саволни кутмаган, домла анча ўйлаб тургани ҳолда, шундай дедилар: “Ҳа, замон ўзгаряпти, эркинлик, демократия кўзга ташланаяпти, ҳолбуки, бундай саволларни бироз илгари бериш муаммо эди”, деди. Ва менга “Оилада нечта ака-укасизлар?” деб сўради. Мен жавоб бердим. “Ҳўш, оиладаги тўнғич акангизнинг айтганларини албатта қиласизларми?” деб таъкидладилар-да, СССР ҳам бир оила, ои- ланинг тўнғич ва кенжалари бўлади-да, деб жавоб бердилар.

Энди, бундай қариндошлик Грузия ва Арманистон республикаларига тааллуқли эмасми, деган саволни қайтариб сўрашнинг ҳоҳати йўқ эди. Ҳуллас, умуммиллий ман- фаатларимиз асосида қабул қилинган қонун ва қоидаларни нега ўз вақтида тўла амалга

ошира олмаймиз, ҳатто ўрни билан ҳимоя ҳам қилолмаймиз. Давлат тилига тўлиқ ўтиш тўғрисидаги қонунни ижро этиш учун даст- лаб саккиз йиллик муҳлат берилган эди. Уни бугун тўла адо этдик деб айтолаими- ми? Афсуски, йўқ! Аксинча, орадан ўттиз йилдан кўпроқ вақт ўтиб, иккинчи давлат тилини киритиш тўғрисида ҳам гап-сўзлар пайдо бўляпти. Айрим сиёсатчилар яна бемалол тилимизга маломат тошлари ота бошлади... Нега!? Шундай “бепўшт-пўшт” ҳатти-ҳаракатларга муносабат билдирмай- миз, рад қилмаймиз.

Яна бир бошоғриқ масала – лотин алифбосига ўтиш ҳамон мураккаблигича қол- моқда. Аввало, инглиз ти- лини ўрганиш лозимлиги жорий этилди. Кейинчалик инглиз ёзуви, лотин алифбо- сига ўтишга қарор қилинди. Шу тарзда истиқболдаги жаҳон тараққиёти билан бе- восита бақамти бўлиш орзу- лари майдонга ташланди.

Дунё миқёсида тараққиётнинг эпицен- трида бўлишнинг энг қулай йўли шундай бўлса, араб давлатлари ҳам, ёки Эрон ҳам, лотин алифбосига ўтиб олармикин. Бугун мисли кўрилмаган ривожланиш даражаси, замонавий инновацион технологиялари билан кун сайин аловбардор бўлиб бора- ётган Хитой мўъжизаларига гувоҳ бўляп- миз. Балки, яқин келажакда умумий тарзда Хитой тили ва ёзувига ўтишни талаб қилиб қолар замон.

Хулоса қилиб айтганда, дунё ва ундаги турмуш юзлаб ва минглаб халқ ва миллат- лар билан ранг-барангдир. Она заминда ҳар бир халқ, миллат ва давлатнинг ўз ўрни бор. Ҳамкорлик ва алоқаларнинг ўз йўли ва йўриқлари бор. Қаҳрамон шоир Абдулла Ориповда шундай сатрлар бор эди: “Сўзсиз Ойларга чиқайлик... аммо бошимизда қал- погимиз бўлсин”.

Нуриддин БОБОҚАНДОВ.

Мактабда “English club” тўғрисида бор

Тилни ўрганиш мактаб ёшидаги болаларда осон кечади, улар янги сўзларни, нутқ бирли- кларини тезда ёдлай олади. Шу сабабли ҳам тил ўргатиш айнан мактабдан бошланади.

Паст Дарғом туманидаги 47-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили педагогла- ри мактабда “English club” тўғрагини ташкил қилган. Тўғарақда ўқувчиларга инглиз тили кенг ва мукаммал ўргатилади. Ҳозирги кун- да ўттиздан ортиқ инглиз тилига қизқувчи ўғил-қизлар тўғараққа қатнамоқда. Ўқувчилар бу тўғарақда инглиз тили грамматикасини ўрга- ниб, сўз бойлигини оширади, турли мавзуларда инглиз тилида суҳбат қуради ҳамда талаффузи- да учрайдиган хатоларни тузатади.

“English club” тўғараги ўқувчиларга хорижий тилни ўргатиш билан бирга ёзги таътилини самарали ўтказиш учун ташкил этилган. Дарс- лар июнь ойда бошланиб, сентябргача давом этади.

Назокат РУСТАМОВА, СамДЧТИ талабаси.

ШУ ОЙДА ТАВАЛЛУД ТОПГАНЛАР

22 ИЮЛЬ
Саидали МИРЗАЕВ – 1939 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган. Ганчкор. Ўзбекистон халқ устаси.
30 ИЮЛЬ
Ойдиннисо ҲАМРОЕВА – 1952 йилда Кат- тақўрғон туманида туғилган. Ўзбекистон Респуб- ликаси халқ ўқитувчиси.

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.



Мустақиллик йиллари Самарқандда

2013 йил, Май
24 май куни Самарқанд телерадиокомпанияси кўрсатувлари рақамли тизим орқали эфирга уза- тила бошлади.

29–31 май кунлари Са- марқанд давлат универ- ситетида академик Акбар Отахўжаев хотирасига бағишлаб «Молекуляр спектроскопиянинг дол- зарб муаммолари» мавзу- сида IV халқаро анжумани бўлиб ўтди.

Июнь
10 июнь куни халқ депу- татлари Қўшработ тумани Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Олимжон Алихўжаев туман ҳокими этиб тас- диқланди.

12 июнь куни вилоят пиллакорлари эл хирмо- нига 2648 тоннадан зиёд сифатли саноат ҳомашёси етказиб берди.

Июль
Вилоят ғаллакорлари 701,4 минг тонна дон хирмони яратди.

Август
1 август куни олий ўқув юртларига кириш учун ҳужжат топширган 43 минг 368 нафар абитуриент тест синовларидан ўтди.

2 август куни Жанубий Корея Республикасининг Чолланамдо провинци- яси депутатлар Кенгаши раиси Ким Же Му раҳ- барлигидаги делегация Самарқандга келди.

27 август куни «Шарқ тароналари» тўққизинчи халқаро мусика фестива- лининг тантанали очили- шида Президент Ислон Каримов иштирок этди.

Сентябрь
Ургут туманида эски буюм бозори ўрнида қурилган маданият ва истироҳат боғи фойдаланишга топ- ширилди.

7 сентябрь куни вилоят ҳокими 3.Мирзаевнинг қар- ори билан вилоят ҳокими- нинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масала- лари бўйича ўринбосари вазифасида ишлаб кела- ётган Воҳид Раҳимов Паст Дарғом тумани ҳокими этиб тасдиқланди.

10 сентябрь куни Хитой Халқ Республикаси раиси Си Цзиньпин Президент Ислон Каримов ҳамроҳли- гида Самарқандга келди.

12 сентябрь куни Са- марқанд шаҳрида аҳоли ва тадбиркорларга молиявий хизмат кўрсатувчи «Orient finans bank» хусусий ёпиқ акциядорлик тижорат банкининг вилоят филиали фаолият бошлади.

Газетанинг навбатдаги сони 2021 йил 24 июль, шанба куни чоп этилади.

Zarafshon

САМАРҚАНДСКИЙ ВЕСТНИК

MUASSIS:

«Zarafshon» va «Самаркандский вестник» gazetalarі tahririyati mas'uliyati cheklangan jamiyati

Bosh muharrir: Farmon TOSHEV

Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat matbuot va axborot boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 12 446 nusxada chop etildi. Buyurtma 523

Gazeta haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

QABULXONA: (66) 233-91-51, **REKLAMA VA E'LONLAR:** (66) 233-91-56
BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61

MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi. «Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy. Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da. Bosishga topshirildi: soat 19:00

Navbatchi muharrir: G'.HASANOV.

Navbatchi: T.SIDDIQOV.

Sahifalovchi: B.ABDULLAYEV.

Sotuvda narxi kelishilgan holda

ISSN-201667X

9 172010 1667009